



## МИКРОСУГУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Қўлдошев Қамариддин Мансурович**

ТДИУ «Молия бозори ва сугурта иши» кафедраси профессори, и.ф.д.

**Юлдашев Акрамжон Қурбоназарович**

“MY INSURANCE” АЖ сугурта ташкилоти бош директорининг биринчи ўринбосари (Мустақил тадқиқотчи)

**Тўраев Шерхон Мўмин ўғли**

ТДИУ “Сугурта иши” йўналиши талобаси

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 5

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss5/a4](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss5/a4)

### ABSTRACT

Ушбу мақолада микросугуртанинг моҳияти, хусусиятлари ва хусусан ижтимоий химоя воситаси сифатидаги хусусиятлари очиб берилган, Ўзбекистонда микросугуртанинг хозирги ҳолати ва дунё мамлакатлари тажрибалари таҳлил қилиниб, хулосалар тақлиф ва тавсиялар шакллантирилган.

### KEYWORDS

Микросугурта, микромолиялаши, кичик бизнес, ризк, микросугурта моделлари, ҳаёт микросугуртаси

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 авгуастдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ килиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги карори қабул қилиниб, ушбу қарор асосида 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини жадал ривожланириш бўйича “Йўл ҳаритаси” қабул қилинган эди. “Йўл ҳаритаси”нинг 30-бўлимимда тадбиркорлик фаолияти сугуртасининг инновацион турларини ривожланириш кўзда тутилган. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ килишининг устивор йўналишларидан бири мамлакатнинг барча худудларида сугурта компанияларининг бўйимларини ташкил этиш ва уларда микросугурта маҳсулотларининг анъанавий ва инновацион турларини ишлаб чикиш ва истеъмолчиларга тақлиф этишини йўлга кўйиш яхши самара беради деб ҳисоблаймиз. Микросугурта хизматлари юкори даромадга эга бўлмаган аҳоли, хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини сугуртавий химоя килишга мўлжалланган бўлиб, ушбу сугурта хизматлари сугурталанувчи ва унинг оила-аъзоларини баҳтсиз ҳодисалардан, мулкларини ёниндан, портлаш, зилзила ва бошқа табиий ва техноген ҳодисалардан, меҳнат қобилиятини йўқотиш ёки вафот этиш, кредитни қайтмасликдан сугурталаш каби комплекс хизматларни камраб олади. Ушбу сугурта арzon ва оддийлиги билан қўпчиликни ўзига жалб эта олади. Микросугуртанинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат: маҳсулотнинг оддийлиги, нисбатан паст сугурта тарифлари, катта бўлмаган сугурта суммалари, турли истисноларнинг камлиги ёки умуман йўклиги, сугурта ходисаси бўйича қопламани тўлашнинг соддалиги ва талаб килинадиган хужжатларнинг камлиги. Микросугурта маҳсулотлари ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлик хавф-хатарларни ҳамда фукаролар хаётни ва фаолиятини сугурта хизматлари билан кенг миқёсда ва оммавий тарзда таъминлаш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review, Анализ литературы). Микросугурта – Бангладешлик Нобел мукофоти совриндори, банкир ва иқтисодчи Мухаммад Юнус томонидан

ишлаб чиқилган микромолиялашириш лойиҳалари натижаси бўлиб, Осиё ва Африкадаги миллионлаб кам таъминланган шахсларга бизнес очиш ва уй сотиги олишга ёрдам берди. American International Group Inc. (AIG) 1997 йилда Угандада микросугуртани тақлиф қилган биринчи компаниялардан бири бўлиб, мазкур сугурта хизматлари бўйича полисларни сотишни бошлади. Тез орада унга Swiss Re, Munich Re, Allianz va Zurich Financial Services каби бошқа йирик сугурта ва кайта суурта компаниялари хам кўшилди. Бугунги кунда кам таъминланган аҳолини молиявий йўқотишлар таъсиридан химоя килиш максадида кўплаб инновацион микросугурта маҳсулотлари ишлаб чиқилган. С. Биенер ва М. Элинг томонидан микросугурта бозорида рискларни сугурталашни атрофлича таҳлил қилинди асосида микросугурталашни ривожланиришга тўскинилик қилаётган ва ривожланиши учун имконият яратувчи омиллар аникланган. Сўнгги йилларда микросугурта бозорида юкори ўсиш суръатлари кузатилсада, ривожланаётган мамлакатларнинг 90 фоиз аҳолиси сугурта хизматларидан фойдаланиши имконияти чекланган ёки умуман фойдаланмаслиги тадқиқот ўтказиш учун асосий сабаб бўлган. Сугурта соҳаси мутахассислари кўпинча микросугурталашга тўскинилик килувчи асосий рискларни таъкидлайдилар. Муаллифлар 100дан ортик илмий ишларни ўрганиб чиқиб, ресурслар етишмаслиги, рискларни баҳолаш, сугурта гурухлари кичикилиги, ахборот асимметрияси ва сугурта мукофоти микдори асосий муаммолар эканлигини аниқлагандар.

Тадқиқот максади ва усуllibari (Research objective and methods, Цель и методы исследования). Тадқиқотни амалга оширишдан максад, Ўзбекистон миллий сугурта бозоридаги мавжуд микросугурта ҳолатига баҳо бериш ва таҳлиллар ҳамда чет эл тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда микросугуртани ривожланиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Кўйилган максадларни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гурухлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил усуllibаридан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results, Анализ и результаты.). Молиявий ҳолат ҳамманинг кун тартибидаги асосий мавзу. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилоти (OECD) томонидан

2017 йилда олиб борилган тадқиқотлар ривожланаётган мамлакатларда катта сугурта бўшлиги борлигини кўрсатди. Даромад даражаси паст бўлгандар анъанавий сугурта маҳсулотларини сотиб олиш имкониятига эга эмаслиги ва бу уларнинг кўп турдаги рисклардан химояланмай колишига сабаб бўлмоқда. Илгари сугуртадан фойдаланиш бойлар учундек кўринган бўлса, турли ишчи гурухлар заиф катламга сугурта зарурат эканлигини ва унга кириш барча учун таъминланиши кераклини тушунтириш учун ўқитиш йўлида каттик ишламоқда. Микросугурта ушбу тенгизслики йўқотишига қаратилган воситадир. Микросугурта чекка худудлардаги ва кам таъминланган кўп сонни аҳоли катламлари учун кичик сугурта мукофотлари эвазига уларнинг ҳаёти ва бизнес фаолиятида тез-тез учрайдиган ва уларнинг юз берини мазкур аҳолининг янада қашшоқлашувига олиб келадиган рискларни сугурта орқали бошқаришга қаратилган. Шундан келиб чиқсан ҳолатда давлат ўз фуқароларининг ижтимоий химоясини таъминлаш мақсадида сугурта мукофотларини давлат марказлашган ва маҳаллий маблаглар хисобидан тўлаб бериш орқали аҳолининг маълум катламларини ёппасига сугурталашга эришади. Бу эса сугурталовчилар учун хам яхши имконият яратилишига олиб келади.

Микросугурталаш бўйича чет эл тажрибалари.

Бугунги даврда Хорижий мамлакатларда микромолиялаштириш, хусусан, микросугурта хизматларини кўрсатиши бўйича катта тажриба мавжуд. Кўплаб давлатларда микросугуртани шакллантириш ва ривожлантириш моделлари жорий этилган. Улардан баъзиларига тўхтадиган бўлсак, масалан, Хитойда микросугуртани ривожлантиришига катта эътибор қаратилган бўлиб, улар асосан микросугуртанинг ривожланишини давлат ёрдами ва давлат томонидан қаттиқ назорат қилиш ва тартибга солиш орқали амалга ошироқда.

Бошқа давлатларга эътибор қаратадиган бўлсак, Жанубий Африка, Филиппин, Индонезия, Уганда ва Бразилия каби мамлакатларда истиқболли янги бозор учун рақобатлашишга тайёр бўлган глобал сугуртачиларга бозорни очиб беришиди. Яъни, микросугурта бозорини ривожлантиришда бозор моделини танлашди. Бундай бозорларга кириш учун кўплаб сугурта компаниялари хоҳиши билдиради. Мисол учун ушбу мамлакатларда Alyanz, Zurich, Munich RE, Swiss RE ва бошқа йирик компаниялар микросугурта фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Биргина Alyanz сугурта компаниясини таҳжил киладиган бўлсак 2014-йилда 11 мамлакатда фаолият юритиб, микросугурта бўйича 113 миллион доллардан ортиқ мукофот йиғди. Шуни таъкидлаш керакки, микросугурта дунёнинг турли минтақаларида турли даражада ривожланган.

Осиё ва Океанияда 2012 йилда микросугурта бўйича 170 миллион сугурталанганлар мавжуд бўлган ва айнан 2012 йил статистикасига кўра, ушбу минтақалардаги 24 давлатда 507 турдаги хилма хил микросугурта маҳсулотлари мавжуд бўлган. 2016-йилда микросугурта бўйича Жанубий Америкада 49 миллион, Африкада 44 миллион сугурталанувчи мавжуд бўлган.

Жаҳон иқтисодиётидаги янги саноатлаштириш марказларини шакллантириш учун энг қашшоқ мамлакатларда микросугуртага кизикишнинг намоён бўлганилиги аниқланган. Хорижий мамлакатлардан сугурта бозори турли даражада ривожланган ва ривожланаётган Бразилия, Хиндишон, Хитой ва Жанубий Африка Республикаси тажрибаларига мурожаат қилишни асосли деб топишимиз мумкин. Бу мамлакатлар микросугурта соҳасида катта тажрибага эга.

БРИКС мамлакатларида микросугуртанинг ривожланиш даражаси.

Хиндишонда микросугуртани ривожлантириш тажрибаси бир канча сабабларга кўра катта кизикиш уйготади. Биринчидан, микромолия биринчи марта ушбу мамлакатда пайдо бўлди. Иккинчидан, биринчи ихтинослаштирилган микросугурта маҳсулотлари хам Хиндишонда пайдо бўлган. Учинчидан, Хиндишон микросугурта маҳсулотлари истеъмолчилари сони бўйича Осиё микросугурта бозорининг 2/3 кисмими эгаллайди.

BMTTD, GTZ va Allianz AG (2006) томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, Хиндишон энг тез ривожланаётган микросугурта бозори хисобланади. Шу билан бирга, аҳолининг микросугурта хизматлари билан қамрови салмокли, масалан, 2012-йилда улардан

111 миллион киши фойдаланган. Умуман олганда, 2012 йилда Хиндишонда 70 га яқин турли микросугурта маҳсулотлари мавжуд бўлган. Мамлакат иқтисодиёт ва фан ютуклари билан бир каторда аҳоли даромадларининг пастилиги, ҳаёт сифатининг пастилиги ва шунга мос равиша қашшоқликнинг юкори даражаси билан ажralиб туради. Маълумки, қашшоқлик микросугурта бозори ривожланадиган иқтисодий заминидир.

Шуни таъкидлаш керакки, Хиндишон ҳукуматининг устивор вазифаларидан бири бу қашшоқликни камайтириш бўлиб, ушбу мамлакатда микросугурта тизимини жорий этиш камбагалликни қисқартиришда устивор вазифа килиб белгилаб олинган. Бу соҳани ривожлантириш учун давлат томонидан йилдан йилга кўпроқ маблағлар ажратила бошланди.

Мисол учун, 2002 йилда Хиндишонда микросугуртани раббатлантириш коидаларини ўз ичига олган конунчилик акти - "Қишлоқ жойларда фаолият юритувчи сугуртасиленинг мажбуриятлари" қабул қилинди. Ушбу коидалар микросугурталашнинг квота тизимини жорий килди. Квотанинг моҳияти кўйидагилардан иборат: қишлоқ жойларда сугурталовчилар ўлим ҳолатидан ҳаётини сугурталашда микросугурта шартномалари улушкини қишлоқда ишлаган биринchi йилида тузилган ҳаётини сугурталаш шартномалари умумий сонининг 5 фоизидан ошириши керак. Худудларда, бешинчи ва кейинги йилларда тузилган шартномаларнинг сони 16%гача, ҳаётини сугурталашдан ташкари сугурта бўйича эса қишлоқ жойларда фаолиятнинг биринchi йилида ишғилган бадалларнинг 2%, учинчи йилда 3% ва кейинги йилларда 5%гачани ташкил этди. Бундай чора-тадбирлар микросугурта бозорига ижобий таъсир кўсатди ва сугурталовчиларни микросугурта маҳсулотларини самарали тарқатиш каналларини излашга мажбур килди.

Микросугурта маҳсулотларини сотишининг салмокли қисми Хиндишонда кенг тарқалган ва кам таъминланганлар билан ишлаш тажрибасига эга микромолия компаниялари орқали амалга оширилади. Ушбу мамлакатда микросугурта шартномалари бўйича максимал суммалар 1200 доллардан ошмайди. Масалан, "Janashree Bima Yojana"нинг микро ҳаёт сугуртаси маҳсулотлари бунга мисол бўла олади:

1. Ўлим ва ногиронлик ҳолатларидан ҳаётини сугурталаш:

Йиллик сугурта мукофоти 2,22 АҚШ долларини ташкил этади, шу микдорда давлат субсидияси ажратилиади.

Сугурта тўловлари:

- табиий ўлимнинг юз бериси - 444 АҚШ доллари;
- баҳтсиз ходисада ўлим - 1111 АҚШ доллари;
- қисман ногиронлик - 556 АҚШ доллари;
- умумий ногиронлик - 1111 АҚШ доллари.

2. Ўлим ҳолатидан ҳаётини сугурталаш:

- сугурта мукофоти - 2,78 доллар,
- сугурта тўлови - 222 АҚШ доллари.

Шундай килиб, Хиндишонда микросугурта ривожланишини таҳжил қилиш бизга кўйидаги хулосалар чиқариш имконини берди:

• микросугурта - аҳолининг кам таъминланган катламларини ижтимоий химоя қилишнинг давлат нуктаи назаридан истиқболли усули;

• микросугурта - Ҳиндишонда анча ривожланган микромолия тизимининг бир элементи;

• давлат сугурталовчиларнинг тегиши фаолиятини тартибга солиши, хусусан, уларнинг "ижтимоий мажбуриятларини белгилаш" ўйли билан, микросугурта маҳсулотларини тарқатишнинг оригинал моделларидан фойдаланган ҳолда микросугуртани ривожлантиришга хисса кўшади;

• микросугурта маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш модели самарали, мослашувчан ва чексиз ўсиш потенциалига эга, бу эса деярли барча потенциал сугурталанувчиларни камраб олиш имконини беради.

Турли мамлакатларда микросугуртанинг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга кўра фарқланади ва бошқа мамлакатлар тажрибасини хам хисобга олиш зарур.

Хитой ҳукумати микросугуртани ривожлантиришга Хиндишондагидан бошқача ёндашувни танлади. Бу ерда, юкорида айтиб ўтилганидек, микросугурта тақсимоти "юкоридан" амалга оширилди. Хитойнинг сугуртани тартибга солиш комиссияси, давлат

сугурта назорати органи кам таъминланган аҳолининг аксарияти тўпланган қишлоқ жойларida сугурта операцияларини ривожлантиришга фаол ёрдам берди. Шундай қилиб, 2008 йилда Комиссия 6 провинцияда: Шанси, Хейлонгцзян, Жиангси, Хенан, Хубей, Гуангси провинцияларидан микросугуртани ривожлантириш дастурини амалга оширишининг бошланниши бўлган "Кишлоқ жойларда хаётни сугурталаш бўйича тажриба - микросугурта дастури" идоравий актини эълон килди. Шуни таъкидлаш керакки, ноёб Хитой иктисодиёти учун микросугуртанинг бундай ривожланиш йўли табиийдир: у XXRнинг қашшоқликни бартараф этиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасидаги мавжуд жиддий тафовутни камайтириш бўйича узок муддатли ижтимоий-иктиносий дастурларига мос келади. Ушбу сугурта хозирда Хитойнинг барча провинцияларидан жорий этилган.

Хитойда микросугурта ташкил этилиши бошлангандан 4 йил ўтиб 2012 йилнинг ўзидаёк 12 миллиондан 25 миллионгача истеъмолчани камраб олди. Бу натижада XXR таҳлиличиларини конфиқтирумади. Яъни, уларнинг фикрича кам деб хисобланган бу ракамларга асосий сабаб бозорда 20 дан ортик зарур бўлган тури хил микросугурта маҳсулотларининг ишлаб чиқилмаганилиги, яъни, микросугурта бозорида етарлича керакли маҳсулотларнинг йўқлиги бўлиб хисобланди. Бундан келиб чиқадики, XXR раҳбарлари микросугуртани ўта мухим соҳа деб билишади ва бу бозорнинг янада истиқболли эканлигига ишонишади.

Бразилия микросугурта бозорига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, негаки бу мамлакатнинг ижтимоий-иктиносий ва молиявий методлари бизнинг мамлакатта жуда яқин. Ушбу мамлакатда йирик сугуртачилар 2001 йилдан бошлаб сугурта маҳсулотлари билан бир катorda потенциал сугурталанувчиларга микросугурта маҳсулотларини таклиф кила бошлидилар. 2016 йил маълумотларига кўра, микросугурталанувчилар сони 30 миллиондан ошган. Айни шу 2016 йилда, таҳлиличиларнинг маълумотларига кўра, Бразилиядаги 64-77 миллион потенциал микросугурта маҳсулоти истеъмолчилари, яъни потенциал истеъмолчиларнинг микросугурта билан камраб олиниши деярли 80 фоизга етган.

2008 йилда Бразилия Микросугурта тўғрисидаги қонунни қабул килди. Унинг асосий қоидалари кўйидагилардан иборат:

1) факат микросугурта маҳсулотларини сотиш хукуқига эга бўлган ихтиослаштирилган микросугурта ташкилотларини тузишга руҳсат этилди;

2) факат микросугурта шартномаларини тузиш ва юритиш бўйича хизматлар кўрсатувчи брокерларнинг янги тuri жорий этилди. Микросугурта брокерларига анъанавий сугурта маҳсулотлари билан шугулланувчи брокерларга нисбатан пастрок талаблар кўйилди;

3) воситачиларнинг янги тоифаси - микросугурта хабарчилари шакллантирилди. Ушбу воситачилар сугурта мукофотларини йигиш ва турли хил сотини операцияларини ўтказиш хукуқига эга;

4) микросугурта операциялари бўйича маҳсус солик режими белгиланди: микросугурта операцияларидан олинган фойда 1 фоиз ставкада имтиёзли соликка тортилади, шунингдек, 1 фоиз ставкада ижтимоий солик тўланади.

Микросугурта моделлари.

Инсонларнинг ҳаёт фаолиятида ҳаёт сугуртасининг аҳамияти ортиб бориши аҳолининг узок муддатли молиявий инструментларга нисбатан ишончининг ортиб бориши, уларда ўзига нисбатан молиявий ва сугурта химоясини таъминлашга йўналтирилган тарбиянинг сингдирилиши ва энг мухими – давлат томонидан ҳаёт сугуртаси бўйича имтиёзларнинг яратилиши ҳаёт сугуртасининг, шу жумладан жамгариб бориладиган ҳаёт сугуртасининг қенгайишини таъминлайди.

Худди шундай омилларнинг Ўзбекистон миллий сугурта бозорида ҳам бирин-кетин яратилаётганлиги мамлакатда ҳаёт сугуртасининг, жумладан жамгариб бориладиган ҳаёт сугуртасининг оммавийлашувини таъминламоқда. Яратилаётган бундай шартшароитлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги "Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ килиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августанда қабул килинган "Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ килиш ва унинг жадал

ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул килинган мазкур карорда ҳаёт сугуртасини ривожлантириш масаласи ҳам кўйилган бўлиб, бизнинг фикримизча бу борада кўйидаги вазифаларни амалга ошириш мухим хисобланади:

аҳолининг турли қатламлари, хусусан кам таъминланган ва узок аҳоли пунктларида яшаётган оиласаларнинг ҳаёт сугуртаси хизматларидан фойдаланишларини таъминлаш;

кatta бўлмаган сугурта суммалари ва шунга мос сугурта мукофоти билан, кам сондаги сугурта ходисаларини ва шу билан бирга юз бериш эҳтимоллиги юкори бўлган сугурта ходисаларини кўзда тутувчи, оддий ва сугурталанувчи учун тушунали бўлган сугурта шартномаларини юкорида келтирилган аҳоли қатламлари учун тақдим этиш;

ихтиёрий сугуртанинг стандарт шартларини қўллаш амалиётини кенгайтириш, сугурталанувчилар учун тушунали бўлган сугурта терминларини амалиётда қўллаш билан сугурталанувчиларнинг сугурта турларини танлаш имкониятини осонлаштириш, уларнинг сугурта компанияси ва умуман сугурта институтига бўлган ишончини таъминлаш.

Юкоридаги қарор асосида ишлаб чиқилган сугурта соҳасини ривожлантириш стратегияси сугурта бозори субъектларининг ушбу бозорни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўзаро ҳамкорлика оператив тарзда амалга оширишга ҳамда сугурта хизматларининг янги ва инновацион маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этишини кўзда тутади. Бизнинг фикримизча, миллий сугурта бозорининг ривожланшишини таъминлашада мамлакат аҳолиси асосий қисменинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда "ҳаёт микросугуртаси" бизнес-моделини қўллаш ўзининг яхши самарасини беради. Ушбу усул аҳолининг ўртача ва кам таъминланган қатламлари учун уларнинг ҳаёт баркарорлигини таъминловчи мухим восита вазифасини бажаради. Мазкур бизнес-модель аҳолининг сугурта хизматларига жалб қилинмаган катта қисмини, шу билан бирга мамлакатнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолини ҳаёт сугуртаси хизматларига жалб қилиш орқали уларнинг ижтимоий химоясини таъминлаш имконини беради. Ушбу тадбирнинг самарадорлиги уни амалга оширишда сугурта компаниялари ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга кўйиш орқали янада тўликрок таъминланади. Бу иккинчи томондан, узок муддатли ҳаёт сугуртасининг оммавийлашуви орқали иктиносий инвестиция хусусиятидаги узун пуллар билан таъминлаш имконини беради.

Ҳаёт микросугуртаси – дунё сугурта бозорида бутунлай янги концепция эмас, унинг амал қилаётганлигига йигирма йилдан ортик муддат ўтиб колди. Микросугуртанинг илк кўринишлари ривожланётган мамлакатларда кам таъминланган аҳоли ўргасида ўзаро ёрдам сифатидаги норасмий кўринишларда юзага келди. 1990 йилларда микросугурта хайрия шакидаги институционал кўринишда амал кила бошлиди. Ривожланётган мамлакатларда микромолиялаш тизимларининг фаол ривожланиши ушбу мамлакатларда микросугуртанинг бизнес-модел сифатида тез суратларда ривожланишига ва ушбу соҳанинг конунчилик базасининг мустаҳкамланишига, микросугуртани амалга ошириш қоидаларининг ҳамда ушбу соҳа устидан назоратнинг такомиллашувига олиб келди. Шу билан бирга микросугурта механизмлари ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта дастурларида қўлланиладиган бўлди.

Катта бўлмаган даромад манбаига эга бўлган аҳоли табакалари рискли ҳолатлар бўйича расмий воситалардан (сугурта, ижтимоий таъминот дастурлари, шу билан бирга согликни саклаш соҳасидаги профилактик йўналишилар) фойдаланиш имкониятига эга эмас. Шу тифайли бундай шахслар кутилмаган йўқотишлар юз берганда якинларидан, қариндошларидан ёрдам сўрашга, кўчар ёки кўчмас мулжаларини сотишга ёки тез тақдим этиладиган, аммо юкори фоизли кредитлар олишга мажбур бўлади. Аммо бундай ёрдамлар олиш имконияти хар доим ҳам бўлавермайди, юкори фоизли кредит эса ушбу шахснинг молиявий имкониятини янада ёмонлаштиради. Шу тифайли аҳолининг бундай қатламлари учун микросугурта хизматлари яхши кўмакчи бўлади.

Шундай килиб, хаёт микросугуртаси қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Ҳаёт сугуртаси миллий бозорда аҳолининг нисбатан кам даромади қатламлари ўртасида ва чекка худудлардаги аҳоли хисобидан тўловга лаёкатлилик талабини шакллантиради.

2. Аҳолининг тури қатламлари хамда чекка худудлардаги аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва сугурта маданиятини шакллантириш имконияти яратилади.

3. Ҳаёт сугуртаси, шу билан бирга жамғарби бориладиган ҳаёт сугуртасининг баркарор иктисодий модели яратилади.

4. Мазкур йўналишда давлат-хусусий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши орқали давлатнинг ижтимоий ҳимоя борасидаги харажатларининг камайишига эришилади.

Ҳаёт микросугуртасининг ривожланиши янги микросугурта маҳсулотларининг яратилишига сабаб бўлди. Микромолиялаш ва микросугуртанинг кириб бориши ўрта ва кам таъминланган аҳоли мазкур соҳаларнинг ривожланишини таъминлайдиган манба эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга давлат давлат-хусусий шерикчилиги орқали сугурта мукофотларининг бир қисмини ёки тўлик ҳолда субсидиялаш орқали сугурталовчиларни рискларни бошқаришга жалб қилишига эришиди. Бундай механизмлар ижтимоий таъминот тизими доирасида кўпгина аҳоли қатламлари учун уларни вафот этиш, меҳнат қобилиятини ёки соглигини йўқотиш ҳолатларидан молиявий ҳимоялаш борасида долзарб бўлиб бормоқда.

Ҳаёт микросугуртаси ҳаёт сугуртасининг узок муддатли ўсишини таъминлаш имкониятига эга. Мазкур соҳа орқали аҳолининг кам таъминланган қатлами аста-секин ўртacha таъминот даражасига эришиб боради ва бу ўз ўрнида аҳолида сугурталовчиларга нисбатан ишончнинг ортиб боришига хизмат килади.

Хорижий мамлакатларнинг ҳаёт микросугуртаси бўйича тажрибаси базасида анъанавий тушунчадаги ҳаёт сугуртаси билан ҳаёт микросугуртаси бўйича нисбий таккослаш амалга оширилди. Унга кўра, ҳаёт микросугуртасининг хусусиятлари қўйидаги бир-бiri билан ўзаро боғлиқ бўлган принципларни келтириб чиқариши аниқланди:

- сугуртавий принцип. Ушбу принцип орқали у ёки бу шахсларнинг хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган рискларни маҳсус сугурта фонди орқали ёпик тарзда таксимлаш йўли билан моддий таъминоти амалга оширилади;

- ҳаммабоплик. Ҳаёт микросугуртаси фукароларнинг тури қатламлари ва чекка худудлардаги аҳолига сугуртавий ва молиявий ҳимояларни имконини беради;

- нарх бўйича ҳаммабоплик. Микросугурта маҳсулотлари нархининг пастлиги максадли сегмент учун уларни харид қилиш имконини беради, шу билан бирга давлатнинг сугурта бадалларини тўлик ёки қисман субсидиялаш орқали хусусий сектор билан ҳамкорлиги амалга ошади;

- маҳсулотларнинг эгилувчанлиги. Максадли сегментнинг тури-туманлиги кам таъминланган аҳоли қатламларининг талабларини кўпроқ кониқтириш максадида (ўзгарувчан сугурта суммалари, тўлов графикларининг эгилувчан хусусияти, маҳсулотни турли кўшимчалар билан тўлдириш ёки баъзиларини олиб ташлаш имкониятининг мавжудлиги) уларнинг талабларига кўпроқ мос келадиган эгилувчан қоидалар тўпламларини ўз ичига олган маҳсулотлар ишлаб чиқиши талаб этади;

- маҳсулот дизайнининг оддийлиги. Кам таъминланган ва чекка худудлардаги аҳолининг сугурта хизматлари тўгрисидаги тушунчаларининг камлиги, сугурта маҳсулотлари шартларининг оддийлинини, зарарларни тартибга солишнинг жараёнларининг оперативлигини ва оддий андеррайтингни талаб этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳаёт микросугуртасини ташкил қилишининг қўйидаги институционал ва дистрибутив моделлари қўлланнилди. Уларнинг барчаси турлиса самарадорлик ва яшаб кетиши хусусиятига эга.

Ҳаёт сугуртаси моделларининг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда уларни молиялаштириш манбаларининг қўйидаги шаклларини келтириш мумкин:

1. Сугурта бадаллари давлат томонидан ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта доирасида тўлик тўлаб берилади.

2. Молиялаштиришнинг гибрид схемаларидан фойдаланилади (бадаллар қисман давлат, корхона ёки бошка манбалар хисобидан тўланади).

3. Бадаллар тўлик сугурталанувчилар томонидан тўланади.

Ҳаёт микросугуртаси баъзи моделларининг алоҳида қисмлари баззи сугурта компаниялари томонидан қўлланилаётганлигини хисобга олмаганда ушбу моделларнинг барчаси Ўзбекистон миллий сугурта бозори учун янги ва уларни амалда қўллаш ўз самарасини беради деб хисоблаймиз. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш мумкинки, ушбу моделлар ичда нотижорат, давлат-хусусий шериклик ва тақафул моделлари Ўзбекистон сугурта бозори учун тўлик маънода янгилек бўлиб, уларни амалда қўллаш мамлакатда ҳаёт микросугуртасининг оммавийлашувига ва кўпчиллик ўрта даражадаги ва кам таъминланган аҳоли қатламларини сугурта хизматларидан фойдаланишига жалб қилиш хамда янги сугурта маҳсулотларининг яратилишига сабаб бўлади.

1-жадвал

#### Ҳаёт микросугуртасини ташкил қилиш моделларининг мақсадли сегментга нисбатан қўлланилиши<sup>2</sup>



Ушбу моделларни қўллашда яна шуни ҳам эътиборга олиш керак, яъни кам таъминланган аҳоли қатламлари учун давлат-хусусий шериклиги моделини қўллаш яхши самара беради. Агар ушбу аҳоли қатлами учун сугурта компанияси алоҳида тарзда хизматни амалга ошираса ушбу хизмат сугурта компанияси учун зарар келтириши мумкин. Чунки аҳолининг ушбу қатламининг кўпчилиги сугурта бадалларини тўлаш имкониятига эга эмас.

Ҳаёт микросугуртаси бўйича сугурталовчи сифатида кўйидагилар иштироқ этиши мумкин:

- микромолиявий ташкилотлар тарқибига кирувчи ва улар учун амал киувучи конунчиллик базасига бўйиснувчи, ушбу максадлар учун маҳсус ташкил этилган микросугурталовчилар;

- тижорат сугурта ташкилотлари;

- сугурта ташкилотларининг шўъба корхоналари;

- ўзаро сугурталаш жамиятлари.

Ҳаёт микросугуртасини амалга ошириш учун сугурталовчилар кўйидагиларни амала оширишлари зарур:

- бозорнинг янги сегменти сифатига ҳаёт микросугуртасини баҳолаш: рисклар хажмини, максадли сегмент ҳақидаги статистик ва амалий маълумотлар мавжуд бўлмаган дастлабки даврда юзага келиши мумкин бўлган талаб даражасини;

- максадли сегментни Республика худудлари бўйлаб имкон қадар тез ва кенг жойлаштириш максадида филиаллар тизимини шакллантириш;

- сотиш каналларини аниқлаштириш (шу билан бирга норасмий каналларни);

- ушбу йўналиш бўйича кадрларни маҳсус ўқитилишини ташкил қилиш;

- сотувчиларни жалб қилиш ўйларини ишлаб чиқиш;

- ҳаёт микросугуртасини тарғиб қилиш ўйларини ва потенциал истеъмолчилар бозори бўйича молиявий режалаштириши ишлаб чиқиш;

- фаолиятнинг бошлангич давридаги ишларни ташкил қилиш, маркетингни йўлга кўйиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқиши бўйича харажатлар ҳажмини аниқлаш ҳамда ташкил қилиш моделларини молиялаштириш манбаларини белгилаш;

- рисклар даражасини хисобга олган ҳолда макбул тарифларни белгилаш мақсадида актуар хисобларни амалга ошириш;

- бизнеснинг даромадлилигини (рентабеллигини) таъминлаш мақсадида, харажатларни камайтиришга йўналтирилган инновацияларни кўллашни режалаштириш.

Микросугурта бизнес-моделининг ривожлантиришда қайта сугурта хизматларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим хисобланади. Ҳаёт микросугуртаси шартномаси бўйича вафот этишдан сугурталашда қайта сугурта хизматларидан фойдаланиш сугурталовчининг кўшимча химоясини таъминлаш билан унинг молиявий барқарорлигини таъминлади, ҳамда андеррайтинг борасидаги харажатларини ҳам камайтириш имконини беради. Қайта сугуртанинг роли айниқса давлат-хусусий шерилклиги моделини кўллашда муҳим хисобланади.

Сотиш каналлари уларга хизмат кўрсатиш харажатлари билан тақдим этилаётган сервис сифати ўргасидаги мутаносибликни таъминлаши керак. Бунинг учун норасмий (сугуртавий бўлмаган) сотиш каналларини ривожлантириш керак: микромолиявий ташкилотлар, нодавлат нотижакарат ташкилотлари, савдо корхоналари, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар, почта бўлимлари, тиббий муассасалар ва шу кабилар. Мақсад – мақсадли сегмент истеъмолчиларига етиб боришига эришиш. Ўз ўрнида мобил технологияларининг ривожланниши ҳаёт микросугуртаси маҳсулотларини тарқатиша ностандарт воситалардан фойдаланишга унайди. Сотиш каналларининг сотиш жараёнларини амалга ошириш билан бир вактнинг ўзида тарғибот қилишини олиб боришилари ҳам ушбу хизматни оммавийлаштиришда муҳим воситалардан бири хисобланади.

#### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Конуни. 2021 й. 23 ноябр.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПҚ-4412 сонли “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2019 йил 2 август. Lex.UZ.
3. Баратова Д.А. Ўзбекистонда жамгариб бориладиган ҳаёт сугуртасини ривожлантириш йўллари. Иктисолиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2020.
4. Кўлдошев К.М. Ўзбекистонда ҳаёт сугуртаси ва уни ривожлантириш муаммолари. //Молия илмий журнали 2014 й. 2-сон.
5. Кагаловская Э.Т. Некоторые особенности личного страхования в современной России// Финансы, 2012, №1
6. Takeoff // Sigma / Swiss Re. - 2012. - № 3. - Access mode: <http://media.swissre.com/documents/sigma/>.
7. Адамчук Е.А. Основные тенденции страхования в развивающихся странах в кризис//Страховое дело, 2003, №3.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.:Ўзбекистон,2019-40б.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон конуни
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иктисолиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони
11. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрг тараккиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б
12. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.
13. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)-Ўзбекистон Республикаси Конунхужжатлари маълумотлари миллий базаси.
14. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
15. [www.norma.uz](http://www.norma.uz) - Электрон ҳукукий сайти.
16. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси сайти.

Микросугурта хизматларини оммавий ва самарали тарзда йўлга кўйиш учун қўйидагиларни амалга ошириш зарур деб хисоблаймиз:

1. ҳаёт микросугуртаси бўйича қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш;

2. ҳаёт микросугуртасини амалга оширувчи сугурта ташкилотларини раббатлантириш воситаларини ишлаб чиқиши.

3. зарур инфратузилмани ташкил қилиш, мақсадли сегментни сугурта муносабатлари дастурларига киритиш ва юкорида келтирилган ахоли катламларининг молиявий билимларини оширишга йўналтирилган молиявий ёрдамни ташкил қилишда давлатнинг иштирокини таъминлаш.

4. Ҳаёт микросугуртаси дастурларини давлат-хусусий шериклиги асосида молиялаштириш. Тикорат нуқтаи-назаридан бундай операциялар якин келажакда рентабелли бўлмаслиги мумкин, аммо ушбу сегментни сугурта муносабатларига киритиш келажакда албатта ўзининг самарасини беради.

Тартибга солувчи органларнинг бу борадаги фаолияти қўйидагиларга йўналтирилиши керак:

- микросугурталовчиларнинг тўловга лаёкатлилигини ҳамда уларни ташкил қилишнинг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш;

- истеъмолчилар (мақсадли сегмент) ҳукукларини химоя қилиш;

- соглом ракобат учун зарур мухит яратиш.

Хулоса (Conclusion, Заключение). Умуман, хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳаёт микросугуртаси орқали мамлакатда ҳаёт сугуртаси хизматларига нисбатан тўловга лаёкатли талабни шакллантириш, кам таъминланган ва нисбатан паст даражада таъминланган ҳамда чекка ҳудудлардаги кўп сондаги ахолини сугурта хизматлари билан қамраб олиш ва шу асосда уларнинг моддий таъминотини яхши томонга ўзгариши мумкин.